(мил. авв. VI аср)

Турон халкларининг ахамонийлар боскинига карши курашига рахбарлик килган жасур саркарда. Кадимги юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” (мил. авв. V аср) асарида ёзилишича, Ахамонийлар давлати асосчиси Кир II мил. авв. 530-йилда Туронга бостириб кирганида, Тўмарис массагетлар кабиласининг маликаси бўлган. Массагетлар бу пайтда Амударё (Аракс) бўйлари ва Кизилкумда яшашган. Тўмарис массагетлар подшосининг хотини бўлиб, у эрининг вафотидан сўнг давлатни бошкарган. Эрондан келган боскинчилар кўшини билан массагетлар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Дастлабки жангда Тўмариснинг ўгли Спарангиз (Спарганис) бошчилигидаги массагетлар голиб чиккан. Бирок кейинги жангда форслар хийла йўли билан Спарангиз ва айрим массагетларни асир олишганда, ор-номусга чидай олмаган Спарангиз ўзини ўлдирган. Тўмарис ўглининг халокатидан эсанкираб колмай, ўз халкининг манфаатини ўйлаб, Кир II дан массагетлар юртидан чикиб кетишини сўрайди. Бирок форслар шохи рад жавобини бергач, икки ўртада аёвсиз жанг бўлган. Геродот массагетлар ва форслар ўртасидаги жанг тафсилотларини ўз асарида куйидагича тасвирлайди: “Менинг билишимча, бу жанг варварлар ўртасидаги барча жанглардан хам дахшатли бўлган. Аввал хар иккала кўшин бир-бирини узок масофадан туриб, камондан ўкка тутдилар. Камон ўклари тугагач, улар найза ва килич билан курашдилар. Жанг узок вакт давом этди. Кўп кон тўкилди. Нихоят, массагетлар галаба козондилар. Форс кўшинларининг асосий кисми, жумладан, Кир II хам жанг майдонида халок бўлган. У тўлик 29 йил шохлик килган эди. Кир II нинг жасади топилгач, малика (Тўмарис)нинг буйруги билан унинг кесилган боши инсон кони билан тўлгазилган мешга солинган”.